# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

*Ватанни севмак иймондандур!*

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 21 июль, сешанба • № 86 (22.323).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган


1991 — 1998

МУСТАҚИЛЛИК

## Сувдек, нондек, ҳаводек зарур...

Мустақиллик... Она тили... Бу икки тушунча бир-бири билан узвий боғлиқ. Сувдек оддий, нондек азиз, қуёшдек иссиқ, ҳаводек зарурдир улар... Ўз миллий давлати, миллий тилига, мустақиллигига эга халқгина икки қаноти ҳам бақувват бургутга ўхшайди. Бундай бургут баландларда парвоз этади, юксакларни кўзлайди. Халқимизнинг қанотлари ҳам, шаҳду жаҳди ҳам қудратга тўла. Мустақилликнинг ибтидоий белгиси миллий тилнинг эркин ҳаракати, эркин ривожланиши ҳар хил қутқу ва зуғумлардан халос бўлишидир.

Мустақиллигимизнинг етти йиллигини нишонлаш арафасида тилимиз тарихига бир назар ташлашни истадим. Тарих тақозасига кўра, ўзбек тили бошқа бир неча тиллар, айниқса қардош туркий тиллар, форс ва араб тиллари билан ўзаро алоқада ривожландики, бу тилларнинг бир-бирига таъсирини инкор этиб бўлмайди.

Тарихдан яхши маълум, ҳукмдорлардан Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобур Мирзо, яъни темурийлардан чиққан подшолар ўз давлатларида барча иш ва юмушлар, давлат ва идора ишлари туркий тилда юритилиши учун интилганлар. Ҳусайн Бойқаро бу борада ҳатто бир неча фармонлар ҳам чиқарган. Ҳофиз Хоразмий, Яссавий, Лутфий, Саккокий, Алишер Навоий, Бобур Мирзолар ёзма адабиётда, илм-фанда туркий тилнинг мавқеини мустаҳкамлаш, барча, яъни омма ва хос аҳли учун тушунарли бўлган туркийда асарлар яратиш, шу билан туркий тилнинг содда, равон, ҳар қандай дабдабалардан, баландпарвозлик ва жимжималардан, ортиқча диний-исломий руҳдан холи эканлигини исботлаганлар. Шу ўринда Алишер Навоийнинг, инсон она тилини ўз туққан онаси каби асраб-авайлаши лозим, деган фикри эсга тушади. Дарҳақиқат, буюк устоз алломаларимиз туркийда буюк асарлар, илмий ихтиролар, кашфиётлар, тарихий, ҳатто диний, исломий асарлар яратиш мумкинлигини исботлаганлар. Шу ўринда «Хамса» ва «Бобурнома»ни, Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асарларини таъкидлаш ўринлидир.

Буюк мутафаккирларнинг улуғ, катта курашига қарамасдан бу курашларда, назаримда, изчиллик, мунтазамлик, доимийлик етишмади. Тўғри, Амир Темур, Улуғбек, Бойқаро, Бобурдек боболаримиз давлатни идора қилиш ишларини қисман туркийда юргизганлар. Бироқ, бу кенг кўламда, барча тармоқларда, барча идора, мактаб ва мадрасаларда эмас, асосан ҳарбу зарб соҳасида — биргина тармоқда, яъни, аскар ва зобитлар орасида бўлиб қолган. Ҳарбийда барча ишлар, буйруқлар туркий тилда бўлганини, туркий тилнинг содда, осон, ихчам, жарангдорлигини, ҳайқириқларга мослиги ва бу ҳарбий ғалабаларни, зафарли юришларни таъминлаган омиллардан бири эканини Амир Темурдан қолган ҳарбий жанговарлик санъати ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди. Шунга қарамай, изчилликнинг етишмаслиги, ҳаётнинг барча жабҳаларига татбиқ этишга уринмаслик тил тўғрисидаги қонун ва фармонларнинг унутилишига, бажарилмаслигига олиб келган.

Маълумки, чоризм даврида ҳам, қизил империя «доҳий»лари — Ленин, ҳатто Сталин даврида ҳам давлат тили тўғрисидаги қонун мавжуд эди. Ўша даврларда ҳам бу қонун бажарилмади. Тўғрисини айтганда, бажарилиши мумкин ҳам эмасди. Нега деганда, қизил империя амалда умуман бошқача сиёсат юргизди. Маҳаллий халқ, миллий тил, миллий ўзликни йўқотиш учун жуда катта кўламдаги, изчил ва мунтазам давом этган сиёсий-мафкуравий «кураш»ни бошлади. Тилимиз учун курашганларни пантуркист, миллатчи деб ноҳақ айблаб қатағон қилишгача бориб етгани сир эмас. Ҳатто, совет халқлари бориб-бориб ягона битта миллатга уйғунлашади, тил ҳам битта бўлади, деган асоси пуч ақида пайдо бўлди. Истиқлол учун, миллат учун, тилимиз учун курашганлар қатағон қилинди. Алифбо — тил либоси дейилади. Тилимизнинг либоси ўта қисқа даврда кўп марта ўзгартирилди. Юксак адабиётнинг ҳам, ривожланган фаннинг ҳам ибтидоси оддий хат-савод ва она тилидир.

**Мустақилликнинг энг асосий белгиси миллий тилга давлат тили мақоми берилишидир. У давлат ичидаги барча муносабатларда етакчи тил ҳисобланиши керак. Тарихда биринчи марта Президент Ислом Каримов тилимизга чинакамига давлат тили мақомини берди ва «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши учун жон куйдирмоқда. Айтиш мумкинки, бу борада кўпчиликка намуна бўлмоқда. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун бажарилиши борасидаги изчил, режали сиёсати ва назорати туфайли бу борада улкан ишлар қилинди.** Аммо, жойларда бу борадаги ишлар ҳануз кўнгил тўладиган эмас. Ҳануз айрим давлат идораларида, расмий учрашувларда давлат тилида эмас, негадир бошқа тилда гапирилади. Ўзбекчадан эмас, негадир бошқа тилдан инглизчага ўгирилади. Кўпгина қўшма корхоналарда, фирма, банк, медицина муассасаларида, айрим йирик завод ва фабрикаларда, хусусан уларнинг раҳбарлари бошқа миллатга мансуб бўлса, расмий муомала тили ҳанузгача бошқа тил бўлмоқда ёки бўлиб қолмоқда. Ҳар қандай йиғинлар, қандай доирада ўтишидан қатъи назар, ўзбек тилидан инглиз тилига ўгирилиши керак эмасми?

Назаримда, мустақиллигимизнинг асосий вазифаларидан бири ўзбек тилини жаҳон тиллари сафига киритиш бўлиши зарур. Нега энди жаҳон тиллари сафида туркий тиллардан бирортаси ҳам йўқ? Ахир, туркий халқлар дунё тараққиётига улкан ҳисса қўшган халқлардан бири ҳисобланади-ку. Менимча, бу шарафли вазифани ўзбек халқи ўз зиммасига олиши, ўзбек тилини жаҳон тиллари сафига қўшиши шарт. Чунки, ўзбек тили бунга ҳар жиҳатдан мос. Биринчидан, ўзбек тили туркий халқларнинг барчаси учун тушунарли бўлган ўрта тилдир. Иккинчидан, бизнинг Ватанимиз туркий халқлар жойлашган катта ҳудуднинг марказидаги ўлка. Бу — геополитик жиҳатдан ҳам мос келади. Аввало, тилшунос олимларимиз, умуман барча зиёлиларимиз ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ САФИГА ОЛИБ ЧИҚИШ УЧУН ҲАРАКАТ ҚИЛИШЛАРИ ЗАРУР! Мана, айтиш мумкинки,кўпгина чет элларда ўзбек тилини ўрганишмоқда. Чет элларда ўзбек тили луғатлари яратилмоқда. Биз лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтмоқдамиз. Бу ўзбек тилига жаҳон тиллари сафига қўшилиши учун қанот бағишлайди.

Она тилида сўзлашиш, ёзиш, расмий идора ишларини юргизиш ҳам маданиятимизнинг узвий қисми, маданиятлилигимизнинг белгиси. Баъзан ўзбек тилида ёзилган расмий хатлар, идора қоғозлари матнини ўқиб, ҳеч нарса тушунмайсан, киши. Улар аввал бошқа тилда ёзилиб, кейин ўзбек тилига нўноқларча таржима қилинганга ўхшайди. Бундай «ҳужжат»лар иш юритишни қийинлаштиради, ҳар хил чалкашликларга олиб келиши мумкин. Мустақил, келажаги буюк давлатимизда бундай нохуш ҳолларга йўл қўйиб бўлмайди.

Истиқлол ва Она тили... Сувдек оддий, нондек азиз, қуёшдек иссиқ, ҳаводек зарурдир улар... Уларсиз яшаш мумкин эмас! Мустақиллигимизнинг буюк неъмати қадрига етайлик!

*Азим СУЮН*

## Элчихона уюштирган кўргазма

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасида мамлакатимиз ёш рассомларининг кўргазмаси уюштирилди. Бундай тадбирни амалга оширишда республика Бадиий академияси кўмаклашди. Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси доктор Мамдуҳ Шавқий билан республика Бадиий академиясининг президенти Турсунали Қўзиев ёшлар ижодига муваффақиятлар тилади. Рассомлардан Бахтиёр Обидовнинг «Сумалак», «Келинлар» асарлари, Рўзихон Жалилованинг миниатюралари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

*Шукур ЖАББОРОВ*

## Етти хазинанинг бири

ХАБАРЛАР, ЎЗГАРИШЛАР

Қизилтепа туманидаги «Парранда» ҳиссадорлик жамиятида ўзига хос ғалаба нишонланди. Эл дастурхонига икки ярим миллион дона тухум тортиқ этилиб, йиллик режа олти ярим ойда уддаланди. Жамият аъзолари йил охиригача яна бир ярим миллионта тухум тайёрлашни мўлжаллашмоқда. Шунингдек, парҳез товуқ гўштлари етиштириш ҳам кескин кўпаймоқда. Шифобахш маҳсулот 22 тоннадан ошди. Ҳиссадорлик жамиятида ҳозирча 70 минг парранда боқиляпти. Йил охиригача бу рақамни 100 мингтага етказиш кўзда тутилган.

**Музаффар ШАРОПОВ**

## Қашқадарё хирмони

Жами 246 минг гектар майдонда дон етиштирган қашқадарёлик ғаллакорлар зафар маррасига етдилар. Улар 317 минг тоннадан зиёд дон топшириб, давлат буюртмасини бажаришди. Улкан хирмонга Шаҳрисабз, Муборак, Китоб, Баҳористон, Қарши, Касби, Косон, Чироқчи туманларинг ғаллакорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Шаҳрисабз туманидаги Б. Фозилов номли хўжаликда ҳосилдорлик 48, Китоб туманидаги К.Рустамова номли ва «Китоб» агрофирмаси хўжаликларида 42-44 центнердан ҳосил кўтарилди. Вилоят ғаллакорлари давлатга яна 10 минг тонна дон етказиб беришга аҳд қилишган.

*Юнус УЗОҚОВ*

## Самимий ҳамдардлик

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига***

**Муҳтарам Президент жаноблари, Қадрли қардошим,**

Мамлакатингизнинг Шоҳимардон ҳудудида рўй берган сув тошқини туфайли инсонларнинг ҳалок бўлганлиги ва моддий зарар кўрганлигини чуқур қайғу билан қарши олдим.

Ўз номимдан ва халқим номидан ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ва талофат кўрганларга чуқур таъзия билдириб, ҳамдардлик изҳор этаман.

**Сулаймон ДЕМИРЭЛ,**
**Туркия Жумҳурияти Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 21 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади****

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 61.66 | 100 Италия лираси | 5,62 | 1 Франция франки | 16,52 |
| 1 Австрия шиллинги | 7,87 | 1 Канада доллари | 66,27 | 1 Швеция кронаси | 12,50 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 162,02 | 1 Хитой юани | 11,90 | 1 Швейцария франки | 65,70 |
| 10 Бельгия франки | 26,87 | 1 Қувайт динори | 326,22 | 1 ЭКЮ | 109,38 |
| 1 Голландия гульдени | 49,14 | 100 Ливан фунти | 6,53 | 10 Жанубий Корея вони | 0,77 |
| 10 Греция драхмаси | 3,34 | 1 Малайзия ринггити | 23,92 | 10 Япония иенаси | 7,08 |
| 1 Дания кронаси | 14,55 | 1 Германия маркаси | 55,40 | 1 Россия рубли | 15,85 |
| 1 БАА дирхами | 26,83 | 1 Норвегия кронаси | 13,14 | 1 Украина гривнаси | 46,60 |
| 1 АҚШ доллари | 98,55 | 1 Польша злотийси | 28,61 | 1000 Белорусь рубли | 2,49 |
| 1 Миср фунти | 28,96 | 10 Португалия эскудоси | 5,42 | 1 Латвия лати | 160,70 |
| 1 Ирландия фунти | 139,25 | 1 Сингапур доллари | 57,74 | 1 Литва лити | 24,64 |
| 1 Исландия кронаси | 1,39 | 1 СДР | 131,45 | 1 Молдова лейи | 20,76 |
| 10 Испания песети | 6,53 | 1000 Туркия лираси | 0,37 | 1 Қирғизистон соми | 5,06 |
| | | 1 Финляндия маркаси | 18,24 | | |

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

## Истиқлол мушоираси

**Ҳуррият болаларига**

*Болам, уйғон, осмонга қара,*
*Осмон сенинг кўзингдайин кенг.*
*Болам, сендай тоза, бокира*
*Осмон сенинг ёшинг билан тенг.*
*Болам, уйғон, осмонга қара,*
*Тонгларга оч қучоқларингни.*
*Самоларим сочар бошингда*
*Ҳурриятнинг чечакларини.*
*Болам, уйғон, осмонга қара,*
*Чорлар сени ҳурлик нурлари*
*От чоптириб Алпомиш учар —*
*Уйғондилар юртнинг зўрлари.*
*Боқгил кўкка, зилоллик инди —*
*Бизнинг борур йўлимиз ўша.*
*Елканг узра эрк қуши қўнди—*
*Уч! Осмонни қучоқлаб яша!*

Қўчқор НОРҚОБИЛ

## БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

### Жумабозор қайтариб олинди

Генерал Абдул Рашид Дўстум қуролли кучлари ўтган шанба куни толиблар эгаллаб турган Жумабозор шаҳарчасини қўлга киритдилар. Шимолий иттифоқ қўшинлари эгаллаб олган ушбу кичик аҳоли яшайдиган маскан Фарёб вилоятининг маъмурий маркази бўлмиш Маймана шаҳридан 25 километр шимолий - шарқда жойлашган бўлиб, муҳим стратегик аҳамиятга эга. Ушбу шаҳарча бир ҳафта аввал, якшанба куни толиблар томонидан қисқа муддатли ҳужум натижасида эгаллаб олинган эди. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу шаҳарча учун бўлган жангларда икки томон ҳам камида 20 дан зиёд аскаридан жудо бўлди. Кўплаб жангчилар ярадор бўлишди. Дўстум қўшинлари 10 та танк ва кўпгина ўқ отиш қуролларини ҳам ўлжа қилиб олишди. «Толибон» ҳаракати вакили Жумабозор қўлдан кетганлигини расман тан олди. Бунда у толибонлар мана шу муҳим аҳоли пунктини қайтариб олиш учун қарши ҳужумга тайёргарлик кўраётганларини таъкидлаб ўтди.

### Ядровий давлатлар таклиф этилди

Хиросима шаҳри раҳбарияти Ҳиндистон ва Покистон элчиларига таклифнома юборди. Бундан ташқари яна бешта ядровий мамлакатга таклифнома жўнатди. Гап шундаки, 1945 йилнинг 6 августида АҚШ ушбу шаҳарга ядро бомбалари ташлаган эди. Ана шу фожианинг 53 йиллиги муносабати билан бу ерда бўладиган йиғилишга ядровий давлатларнинг вакиллари таклиф этилди. Бу ҳақда шаҳарнинг расмий вакиллари хабар беришди. 6 августга мўлжалланган йиғилишда Ҳиндистон ва Покистон, шунингдек, бешта ядровий давлат — Буюк Британия, Хитой, Франция, Россия ва АҚШ вакиллари шаҳарликларнинг умуман ядро қуролларини ер юзидан йўқ қилишдан умидвор эканликларига гувоҳ бўладилар.

### Тэлбот Деҳлига келди

АҚШ давлат котибининг ўринбосари Строуб Тэлбот 19 июль куни Деҳлига кетди. У Ҳиндистон Бош вазирининг махсус вакили Жосвант Сингх билан ўтказаётган музокараларининг учинчи босқичида иштирок этади. Уларнинг дастлабки учрашуви ўтган ойда Вашингтонда, иккинчиси июль ойи бошларида Франкфурт-Майн шаҳрида бўлган эди. Музокаралар давомида ядровий қуролларни тарқатмаслик ва қуролсизланиш, шунингдек, икки томонлама муносабатларнинг турли қирралари кўриб чиқилиши кутилмоқда. Бугун Строуб Тэлбот Покистон раҳбарлари билан учрашиш учун Исломободга келади.

### Шартнома кимга зарур?

Ҳиндистон бундан буён ҳам Покистон билан биринчи бўлиб ядро қуролларини бирбирига қарши ишлатмаслик ҳақидаги келишувга эришиш учун интилаверади, деди журналистлар билан учрашув пайтида мамлакат мудофаа вазири Жорж Фернандес. Ҳиндистоннинг ушбу таклифи жиддий эътиборга лойиқдир, деди у. Унинг сўзларига қараганда, Ҳиндистон одатдаги қурол-яроғлар жиҳатидан Покистондан анча устун. Бироқ Покистон ҳам ишончли қўрқитиш воситаларига эга бўлиш учун ҳаракат қилмоқда. Вазирнинг айтишига кўра, Ҳиндистон ва Покистон Бош вазирларининг Коломбода бўлиб ўтадиган учрашувида кўп масалалар ҳал бўлади.

### Юк машинаси ёниб кетди

Қуддус шаҳри марказида, Яффа кўчасида юк машинаси билан бўлган ҳодисани Исроил полицияси террорчилик ҳаракатига уриниш, деб баҳолади. Шаҳар полициясининг бошлиғи генерал майор Яира Яцхакининг айтишига кўра, ҳайдовчи машинани ўт олдирмоқчи бўлганда, у бирданига ёниб кетди. Юк машинасида эса ҳали номи аниқланмаган портлаш воситаси бор экан. Фаластинлик ҳайдовчи эса, оғир ярадор бўлиб, шифохонага ётқизилди. Полиция Қуддус марказидаги баъзи уйлардаги одамларни тезда бошқа жойга кўчирди. Тергов ҳаракатлари бошланди.

### Юқори мартабали шахслар учрашуви

Тель-Авив шаҳрига яқин жойга Исроил мудофаа вазири Ицхак Мордехай билан Фаластин муҳторияти раҳбарлигидаги иккинчи шахс ҳисобланмиш Махмуд Аббос ўртасидаги учрашув бошланди. Учрашувнинг асосий мавзуси Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Исроил жангчиларини ушбу ҳудуддан олиб чиқиб кетиш. Фаластинликлар исроилликлар ўзлари босиб олган ҳудудларнинг камида 13 фоизини тарк этишлари зарурлигини талаб қилмоқдалар.

### Мексикалик «ғирром»лар

Мексика собиқ президенти Карлос Салинаснинг акаси Рауль Салинас наркотик моддалар билан савдо қилишда айбланиб, ҳибсга олинди. Бу борада тергов ўтказган Швейцария полицияси шундай қарорга келди: 1995 йилнинг ноябрь ойида Женева шаҳрида Салинаснинг хотини Паулина Кастаньон ва унинг акаси Антонио ҳибсга олинганидан сўнг тергов ҳаракатлари бошланган эди. Аёл қалбаки паспортдан фойдаланиб, банк ҳисобидан 84 миллион доллар олмоқчи бўлганди. Паулина Кастаньон ва унинг акаси адолат посбонларига фаол ёрдам берганликлари учун бир неча ҳафтадан сўнг озод этилганди. Полиция умуман Рауль Салинас томонидан Швейцария банкига қўйилган 100 миллион доллардан зиёд маблағнинг ҳаракатини кузатиб борди. Айни пайтда бу иш билан федерал прокурор Карле Дель Понте шуғулланмоқда.

## Мустақиллик манзаралари



*Рустам ШАҒАЕВ (ЎзА) олган суратлар.*

# Уйчи чойига қалайсиз?

Водий чойхоналаридан бирида икки оғайни ўн чойнакдан чой ичишибди. Бири сал шошаётган экан шекилли, улфатига дебди:

— Турамизми, энди?

Иккинчиси эсхонаси чиқгудай:

— Ие, чой ичмай-а... — дермиш.

Латифадай бу воқеани учта вилоятда ҳам баравар ҳангома қилиб юришади. Дарҳақиқат, ўзбекни бу қуруқ иқлимли, қуёшли юртда аччиқ кўк чой асрамаса, бошқа ичимлиги ўтаверсин.

Наманган вилоятининг Уйчи тумани Машад қишлоғида икки ой бурун қўшма корхона ишга тушди. «Алжаҳон» фирмаси хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ўзбек-хитой чой қадоқлаш цехини очдилар.

Мазкур корхонада ишлаб чиқарилган, бежирим халтачалардаги хушбўй кўк чой водий вилоятлари бозорларига етиб борди. Ўтган қисқа вақтда корхонада 150 тоннадан ортиқ чой қадоқланди.

Ихчам, бежирим цехда бир навбатда, 4,5-5 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин. Тайёр маҳсулот ҳозирча 125 ва 250 грамм миқдорида бўлиб, эҳтиёжга ярашасини сотиб олиши мумкин. Цех бошлиғи Содиқжон Собировнинг эътирофича, шу йилнинг ўзида маҳсулот тури яна 2-3 тага кўпаяди.

Наманганнинг аҳоли зич яшайдиган Машад қишлоғида иш бошлаган қўшма корхонада ҳозир 45 киши ишли бўлди. Юсуфжон Турғунов, Шарифа Қаюмова, Муножот Акрамова, Марғуба Жалолова каби машадликлар янги соҳани деярли пухта ўзлаштириб олдилар.

Хитой ва ўзбек ҳамкорлари шу йили супер-маркет дўкони, спорт кийимлари ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқарадиган цехни ҳам фойдаланишга топширмоқчи.

Уйчи маркаси билан чиқаётган хуштаъм кўк чойдан қайта-қайта хўплаб, фақат завқланасан-да, одам: истиқлол шарофатини қаранг: илгари овунчоғи фақат пахта бўлган қишлоқда маҳсулоти дунёга чиқадиган корхоналар қурилади, деган гапга ким ишонарди?!

*Маҳмуджон ПАРПИЕВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*

*Суратда: чой қадоқловчи Шарифа Қаюмова.*
*Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.*

*Миллат ва маънавият*

# Мафкура ва миллий ғоя

*(Биринчи мақола)*

Тарихий хотиранинг тикланаётгани, аслимизга қайтаётганимиз, миллий қадриятларни умуминсоний қадриятлар мезонлари даражасига кўтаришга уринаётганлигимиз ягона тўғри саъй-ҳаракатдир. Бутун бир йиллар буюк аждодларимиз йили, деб аталмоқда. (Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий йиллари). Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик тўйлари кенг нишонланди. Аҳмад Фарғоний ва Имом ал-Бухорийларнинг юбилейларига тайёргарлик баравж. Булар ҳаммаси соф маънавий тадбирлар бўлиб, улар моҳиятан миллий ғоя тантанасига сафарбар.

Ҳа, жамият ўтиш босқичида ҳам, тараққиётнинг гуллаган даврида ҳам сиёсий-мафкуравий формуларсиз яшай олмайди. У аниқ мақсадга йўналтирилган ғоявий-мафкуравий, демак, сиёсий-маънавий стратегияга эга бўлиши шарт ва лозим.

Маълумки, истиқлол мафкураси — миллий ғоялар ақоиди. Уни сунъий ихтиро этиш ёки излаш, юмшоқ қилиб айтганда, калтабинлик. Ҳар давр, ҳар бир халқ ўз миллий камолот ғояларига эга бўлиши — қонуният. Зотан, миллат ўз стратегик тараққиёт ғояларига, мумтоз тафаккурига эга бўлмаса миллат бўлолмайди, «аниқ, равшан стратегик вазифа бўлмаса на бирор давлат, на бирор халқ, на бирор жамият ўз истиқболини кўра олади. Истиқбол одамларга тушунарли бўлиши, уларга куч-қувват бағишлаши ва бирлаштириши лозим,... улуғвор мақсад бўлмаса, жамият оғир таназзул вазиятида оёққа туриб олишига ишониш қийин» (И. Каримов). Бас, шундай экан, миллий ғоя деганининг ўзи нима? Моҳияти нимада унинг?

Миллий ғоя — бу миллат уйғун камолотининг, комиллик ва маърифий истиқлол сари интилишининг маънавий-руҳий, ахлоқий, керак бўлса, илоҳиётга йўғрилган маёғи, бош мақсад — стратегияси. Миллий ғоя ҳаётнинг ёки даврнинг «лаънати саволлар»ига жавоб эмас. У миллат учун белгиланган муқаддас неъмат — қисмат инъикоси сифатида тарихнинг объектив ривожи қонунлари йиғиндисининг ҳаракатлантирувчи, илҳомлантирувчи руҳий рағбати, ташвиқот-тарғибот «тизим»и, яқин ва узоқ истиқболнинг аниқ образи. У йўл-йўриқ, миллат ва халқ келажагининг маънавий-руҳий озуқаси. Янги жамият моҳиятан мутлақо янги миллий ғоя пойдевори асосида қурилиши ҳам фарз ва ҳам қарз, деган аҳд шу сабаб ҳам қисматнинг «Биз киммиз?», «Нега мавжудмиз?», «Қаёққа кетяпмиз?» деган азалий саволларига жавоб тарзида жаранглаётгани бежиз эмас. Зотан, миллий ғоя биз қурмоқчи бўлган улкан имкониятларга эга буюк давлат, сиёсий тузум, иқтисодий тизиму ижтимоий институтлар моҳиятларини, биз орзу қилиб яшамоқчи бўлган турмуш тарзи аломатларини белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан миллий ғоя моҳиятан ўта ноёб қадр бўлиб, унинг юзага келиши ва шаклланишининг дунёқараш ва методологик асослари мавжуд. У ҳар бир тарихий давр ва тарихий шахс — сардорнинг олий мақсади, олижаноб нияти, давлат ривожининг бош дастури ҳисобланади. Маърифий дунё ўз камолининг ҳар бир босқичида, айниқса, янги Уйғониш босқичида ўз тараққиёт ғояларини ихтиро қилган ва шулар асосида камолот уфқлари-ю мақсад андозаларини тайин этган. Буюк Амир Темур даҳоси олдин юртни босқинчилардан озод этиш, кейин қудратли ва салоҳиятли марказлашган давлат қуриш, сўнг эса «Куч — адолатда!» деган бош илоҳий мақсадни амалга ошириш умидида ҳаракат қилган ва унга эришган (миллий ғоя — мақсад сифатида тадрижан ана шу тарзда ривожлантирилган ва ниятга эришилган). Қисмат диалектикаси такрорланиши қонуният... Вақт кечадан бугун орқали эрта сари бўйига ёки энига ҳаракат қилмайди. Вақт - ҳалқа. Унинг фақат ибтидо ва интиҳо нуқталари, аниқроғи, нуқтаси бўлиб, у туташ нуқта дейилади. Яъни, ўтмиш ибтидо нуқтаси, келажак интиҳо нуқтаси билан вобаста, уйғунлашган. Парадокс ана шу нуқталар бирлигида, яхлитлигида! Демак, оққан дарё ҳамиша оқади. Оққан дарё — ўзбек миллат, халқ сифатида ўзлик сари, истиқлол истиқболи сари ўз йўлбошчиси даҳоси бўлган «Куч — билим ва тафаккурда!» деган ақида асосида оқади, оқаверади. Оллоҳнинг бизга неъмати бу! Демак, тарихан ўз миллий ғояси ҳамиша мавжуд ўзбек бугун яна ўз миллий ғоясига эга бўлгани тарихий-илоҳий ҳақиқат, керак бўлса, зарурат! Ана шу қисмат зарурати ўлароқ, собиқ СССР давлатлари орасида миллий давлатчилик қурилиши тизимларида рўй берган институционал ўзгаришларда байроқдор бўлганимиздек, миллий ғоялар кашфида ҳам биринчилардан ташаббускор бўлдик, сиёсий мустақилликка эришгач, ислоҳотлар тизимида тадрижий йўлни танлаб, миллий камолотнинг янги концепциясини ишлаб чиққан, тараққиётимизнинг ўтиш босқичи билан боғлиқ концептуал беш машҳур тамойилларини кашф этганимиз ҳолда, иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичини ниҳоялаб, унинг иккинчи сифат босқичи жараёнида «иқтисод ҳар қандай мафкурадан ҳоли, у ўз қонунлари билан эркин ва рақобатда ривожланган» ақидасидан келиб чиқиб, жамиятнинг маънавий-ахлоқий, руҳий-маданий асоси бўлмиш миллий истиқлол мафкурасини вобаста қилиб юбордик. Бундай сиёсий донолик, тарихий зарурат сифатида, янглишмасам, фақат Ўзбекистондагина амалга оширилди, холос. Ҳатто, Россияда яхлит миллий ғоя концепцияси то ҳануз йўқ. Б. Ельцин шундай ғояни 2000 йилгача ишлаб чиқиш зарурати ҳақида бот-бот жон қуйдираётганлиги бежиз эмас. Россия сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги жараёнлар билан боғлиқ аксар салбий ҳодисалар илдизки, аввало, ана шу рус миллий ғоясининг йўқлиги билан изоҳланаётгани бежиз эмас. Россиянинг турли сиёсий партиялару жамоат ташкилотларига тегишли ва тегишли бўлмаган катта-кичик сиёсатдонлари державалик иллатидан то ҳануз қутула олмаётганлиги сирлари тарихий ҳақиқат қонуниятларини тан олмасликда, аниқроғи, тан ололмаётганлари алами сирлари ҳам аслида янги тарихий шароит ҳақиқатларига асосланган реалистик янги рус миллий ғояси концепциясининг йўқлигида, тарих йўллари бўйлаб ҳозир кетилаётган йўлнинг якуний муштарак мақсадлари ноаниқлигида! Замонавий рус миллий ақли «Нима қилмоқ керак?» «Нима бунёд қиляпмиз?» деган ноаниқ қисматнинг ноаниқ саволларига буюк изтироб-ла жавоблар излаётгани, «Муқаддас ҳеч нарса қолмади», дея надоматлар ҳасратида ёнаётган сабаблари ҳам ана шу миллий ғоянинг йўқлигида.

*Нарзулла ШОДИЕВ,*
*профессор*

*Партия фаоллари*

# «Аёл борки — ҳаёт бор»

Қорақалпоғистон Республикасидаги Элликқалъа тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси, ЎзХДП аъзоси, туман партия кенгаши аъзоси Қумрихон Каримбердиева юрагидагиларни айтди-қўйди:

— Элликқалъа туманида қўлга киритилган ютуқларда албатта хотин-қизларимизнинг алоҳида ўрни бор. Қўриқ ерларни ўзлаштиришда республикага донғи кетган Зуҳра Маткаримова, Ўрозгул Бердимуродова, Дилором Ҳусаинова, бугунги кунда эса туманимизда 800 ўринлик мусиқа мактаби қурилишини битказиб, юбилейга совға қилган қурувчилар сардори Улмекен Дўстқалиевалар номини ҳурмат билан тилга олсак арзийди.

Ижтимоий ҳаётимизда туман хотин-қизларининг ўрни беқиёсдир. Ахир 800 га яқин ишчи кучига эга «Элтекс» ҳиссадорлик жамияти ходимларининг 90 фоизга яқини хотин-қизлар-да. Улар тайёр маҳсулотларни бугунги кунда хом ашё биржаси орқали узоқ хорижий ва МДҲ давлатларига жўнатиб, республикамиз иқтисодиётини юксалтиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Республика миқёсида ўтказилган «Қорақалпоқ қизлари» кўрик-танловида «Элтекс» ҳиссадорлик жамияти иш юритувчиси Дилбар Шарипова фахрли III ўринни эгаллади... Бунга ўхшаган мисолларни хоҳлаганимизча келтириш мумкин.

Хотин-қизлар қўмитаси кам таъминланган оилаларга, кўп болали оналарга, ногирон болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. 105 ёшли Рейма Рўзимбетова ва 102 ёшли Аваз Аллабергановаларнинг ҳар бирига 500 сўмдан совғалар топширилгани кўпчиликнинг эсида.

Оила йили деб эълон қилинган жорий йилда туманимиздаги 17 минг оиланинг ҳар бирида хотин-қизларимиз қувончига қувонч қўшишни бурч деб билмоқдалар. Шу муносабат билан ҳар ойда ташкилотларда учрашувлар, концертлар ташкил қилинмоқда. Бўстон шаҳри лицейида ўқитувчилар билан ўқувчилар орасида «Оила — муқаддас Ватан» мавзуида учрашув қизиқарли ўтди. Шунингдек, «Ибратли келинчак» кўрик-танлови ҳам кўпчиликнинг ёдида қолди. Ғолиб чиққан 12 келин туман марказида беллашдилар. Ғолиб чиққан Ибн Сино маҳалласи келини Райҳон Раметова республика миқёсида ўтказилган «Энг намунали келин» кўрик-танловига қатнашиб, фахрли ўринни олди.

Умуман олганда туман хотин-қизлар қўмитаси ҳозир «Нуроний», «Экосан», «Камолот» жамғармалари ва «Қизил ярим ой» жамияти билан ҳамкорликда кўпгина хайрли ишларни амалга ошириш учун ҳаракат қилмоқда. Чунки, Ватанимизнинг кичик бир бўлаги бўлган оиланинг баркамоллигида хотин-қизларимизнинг камоли юз очмоқда...

*Гулнора НУРЛЕПЕСОВА,*
*Нукус шаҳри.*

*Хатлар, хатлар, хатлар*

# Текин «ҳаммом»

***Хурсанд бўлишга шошилманг! Бунақаси...***

***Пойтахтимизнинг «Шимолий вокзал — 26 мавзе (Чилонзор тумани)» оралағида қатновчи 9-трамвайда йўловчи бўлганлар ёнларида сочиқ олиб юрганлари маъқул. Чунки, трамвай Шимолий вокзалдан чиқиб, «Тўқимачи» бекатига келганда, офтоб нуридан қувват олиш учун андаккина туриб қолишига тўғри келяпти. Чилланинг иссиғида йўловчилар ўз танасига йиғилиб қолган бор сувларини ташқарига чиқариб бўлишса ҳам, трамвай деган «очофат»нинг қувват олиши қийин экан.***

***Сабрсизроқ йўловчи:***

***— Биз ҳаммомда ўтирганимиз йўқ! Бекатдаги тўхташ вақтига риоя қилиб юрсаларинг-чи! — деб қолди.***

***Бамайлихотир писта чақиб ўтирган ҳайдовчи чипта сотувчига нимадир деди. Шунда:***

***— Биз ўз вақтимиздан ўн дақиқа олдин йўлга чиққанмиз. Қолаверса, салон тўлмаса кунлик режани уддалай олмаймиз, бўш вагонни у ёқдан бу ёққа судрашнинг ўзи бўладими?! — деди чипта сотувчи.***

***Лекин салонда суви чиқиб ўтирган ўнлаб йўловчининг бирваракайига ташланиши ҳайдовчини инсофга келтирдими ё чўчитиб қўйдими, ҳар қалай трамвай жойидан жилди. «Хайрият-е» дейишди йўловчилар.***

***Энг қизиғи «Ҳамза» метро бекатига келганда бошланди:***

***— Қани, тушларинг! Олдиндаги вагонга чиқларинг! Биз юрмаймиз! — деди дағдаға билан чипта сотувчи.***

***Шарқона муомалани қаранг! Олдинда эса учта трамвай худди бизни кутаётгандек, қаторлашиб турган экан, салон тўлишини пойлаб. Худо билади, улар қачон келиб тўхташган.***

**Феруза ЭШБОБОЕВА**

# Тарихни ёзиш осонми?

*Мулоҳаза*

Ватан тарихи фақат тарихий воқеалар баёнидан иборат бўлиб қолмаслиги керак, балки у муайян тарихий давр маънавий ҳаёти, илм-фан, санъати, фалсафаси ва адабиётини узвий боғлиқликда ўрганишни тақозо этади. Бу соҳада аҳвол қандай? Филологиянинг ўзи бир қанча кичик соҳаларга бўлиниб кетди. Ўн йиллар олдин мумтоз адабиёт мутахассислари ҳозирги давр адабиётини ҳам (ихтисослик назарда тутилмоқда — Ш. С.), Ғарб адабиётини ҳам ҳазм қила олар эдилар. Зеро, ўрганилувчи объектлар сони кам эди. Бугунги кунда фан тараққиёти ва давр кечмиши оқибатида мумтоз адабиёт мутахассислари ҳозирги замон адабиётидан мутахассис даражасида хабардор эмаслар, шунингдек, 20-йиллар адабиёти, 70-91 йиллар адабиёти, 91-97 йиллар адабиёти бўйича мутахассислар мумтоз адабиётдан шунчаки ўртача савияда хабардор эканликлари сир эмас. Аммо уларнинг бари филолог ҳисобланиб, бир хил мезон билан қабул қилинади ва талаб қўйилади. Ваҳоланки, мумтоз адабиёт мутахассислари кўпроқ тарих, фалсафа масалалари билан шуғулланадилар ва уларни адабиёт билан узвий боғлайдилар. Бироқ уларнинг тадқиқотлари тарихчилар томонидан негадир ҳисобга олинмайди. Худди шундай ҳолат фалсафа соҳасига ҳам таллуқлидир. Бу соҳанинг яна бир бошқа ўйлантирадиган жиҳати ҳам бор. Асл манбаларга суянган, хусусан, тасаввуф соҳасидаги тадқиқотлар, асосан, филологлар томонидан амалга оширилмоқда. Мен нега бу соҳаларга эътиборни қаратмоқдаман. Тарихни фақат тарихчи мутахассислигига эга бўлган олимлар ёрита олмайдилар. Ҳар бир давр тарихини тўла ёритиш учун тарихчилар билан бир қаторда филологлар (адабиётшунослар ва тилшунослар), Шарқ фалсафаси тарихи, санъатшунослик билан шуғулланувчи мутахассислар фаол иштирок этиши таъминланмоғи даркор. Фан соҳалари ўртасидаги муносабатлар вақти-вақти билан тузатиб борилмаганлиги сабаб улар орасида катта жарлик, ўзаро беписандлик кайфиятини пайдо қилди. Бир соҳага иккинчи соҳанинг аралашиши яхлитликка олиб келиши ҳисобга олинмади. Узоқ йиллар давомида тарихчилар ўз тадқиқотларида ўрганилаётган даврнинг холис ёритилишида, давр сиёсатини белгилашда маънавий ҳаётнинг, адабиётнинг, илм-фан, санъат ва фалсафанинг бевосита ўрни ва таъсир кучи борлигини номигагина ҳисобга олиб келдилар. Худди шунингдек, филология ва фалсафа соҳаларида иш олиб бораётган мутахассислар ўз тадқиқотларини тарихийликдан ажратган ҳолда фақат ўз ихтисосликлари доирасида олиб бордилар. Бу ердаги бой илмий манбалар астойдил ўрганилиши учун барча манбашунослар жалб этилмоғи лозим. Ўзбек давлатчилиги тарихини яратиш маълум жараён ва муддатни талаб қилади. Шунга биноан мен мазкур тадбирнинг ташкилий жиҳатларига доир ўз мулоҳазаларимни ўртага ташламоқчиман:

1. Тарихни тадқиқ этишнинг қуйидагича тақсимланиши ўйлаб кўрилса, маъқул бўларди:

а) Қадимий даврлардан эрамизнинг VII асригача бўлган давр Археология илмий-тадқиқот институтига;

б) VII асрдан XIX асрнинг II ярмигача бўлган давр Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтига;

в) XIX асрнинг II ярмидан бугунги кунгача бўлган давр Тарих илмий-тадқиқот институтига.

2. Мазкур институтлар ишига мамлакатимиздаги барча илмий марказлар, археолог, манбашунос ва тарихчи олимлар кенг жалб этилса, натижа самарали бўлади. Ҳар бир институт ваколатига топширилган илмий тадқиқотларнинг аспирантларга бериладиган қисми мавзуларини мувофиқлаштирувчи ягона марказлашган муаммовий кенгаш ташкил этилиши мақсадга тўғри келади.

3. Тарихни тадқиқ этиш жараёни изчил давом этиши учун ҳамда бугунги мутахассислар етишмаслигидан келиб чиқиб тезроқ кадрлар тайёрлаш ишларини оқилона тарзда ҳал қилиш керак. Бунинг учун Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида манбашунослик факультети очилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур институт мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтларида фаолият кўрсатиши мумкин бўлган манбашунос-тарихчи, манбашунос-филолог, манбашунос-файласуфларни етиштириб берувчи асосий база бўлиши лозим. Бу факультетда мазкур уч ихтисослик ҳар бири алоҳида, шу билан бирга, узвий боғлиқликда ўқитилиши йўлга қўйилса, айни муддао бўлар эди.

4. Тарихнинг ёзилишига тегишли соҳалар мутахассисларини бириктириш учун манбашунослик фани соҳасини қонунийлаштириб, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси илмий ходимлар классификатори рўйхатидан ўтказиш лозим. Келгусида манбашунос малакасига эга бўладиган тарихчилар, филологлар ва философларнинг манбашунослик фани соҳасига бирлаштирилиши уларнинг ҳозирги давр тарихи, филологияси ва фалсафаси мутахассисларидан ажралиб туришини таъминлайди ва ҳар бир соҳанинг мақсад ва йўналишларини тартибга солади ҳамда муайян талаб мезонини аниқлаб беради. Қатор йиллардан бери Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти қошида (Қўлёзмалар институти қўшилганлиги ҳисобга олинган ҳолда) ихтисослашган кенгашларда бири тарих, иккинчиси филология фани соҳасида манбашунос ихтисослиги бўйича илмий даража бериб келинмоқда. Мазкур мутахассислар тарих, фалсафа, филология масалаларини ўз тадқиқотларида бирдек ўрганадилар. Шу жиҳатдан уларни манбашунослик фани соҳасига бирлаштириш хато бўлмайди.

5. Фанлар академияси ва Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган Ватан тарихи ихтисослиги бўйича аспирантура ва докторантуралар танловида XX асргача бўлган Ватан тарихига оид мавзулар берилиши назарда тутилса, уларда фақат қўлёзма манбалар билан ишлаш малакасига эга бўлган тадқиқотчилар қатнашиши шарт деб белгиланиши тўғри йўл бўлади. Айрим илмий иқтидори юксак ёшларга аспирантурадан олдин махсус текстология курсларини битириш тавсия этилиши мумкин.

*Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,*
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.*

*Кечиккан пушаймонлар*

# «Меҳрибон» оналар

***ёки фош бўлган жиноятчи аёллар ҳақида***

Роза Огли, Анна Болдирева, Светлана Сазанова, Людмила Антонец, Елена Фисенко ва Геннадий Болдиревлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг бир неча бандлари билан айбдор деб топилдилар ва уларнинг ҳар бири 13 йилдан 15 йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

Роза Огли Гантировна бу тўданинг таъминотчиси. Бироқ у сувдан қуруқ чиқиш учун ишни аввалдан пухта қилган.

Қисқаси, Роза 1997 йилнинг 25 август куни ўз гумаштаси Анна Болдирева ва унинг ўғли Геннадийни чақиради ва уларнинг ҳар бирига 1 килодан қорадори жойланган 10 та пакетни кўрсатиб, буларни Москвага олиб бориб беришса, ҳар бири эвазига 500 долларлардан ҳақ тўлашини айтади. Мумай пул, бунинг устига йўл ҳақи ҳам таъминотчининг ҳисобидан бўлишини эшитган она-бола ўйланиб-ўйланиб рози бўлишади.

Кейинги куни улар маҳсулотни ва йўл пулини уйга олиб келишади-ю, бироқ 10 килодан зиёд бу антиқа маҳсулотни Москвага етказиш қийинлигини фаҳмлашгач, бу ишга ўз қариндошларини ҳам жалб этишга қарор қилишади. Анна хола қизи Еленани ҳамда ўз қариндошлари Светлана Сазанова ва Людмила Антонецни уйига чақиради.

Йўлга чиқиш олдидан уларнинг ҳар бири ўртача уч килодан қорадорини бўлиб олишиб, бу пакетларни кийимлари орасига яширишади. Бироқ... Тошкент Шимолий вокзалида 85- «Тошкент — Москва» поездининг 1-вагонига чиқишаётганида зийрак милиция ходимлари томонидан қўлга олдиндилар.

Қиғир иш — бошга келтирар ташвиш, деганларидек, бу аянчли қисматни улар ўз инон-ихтиёрлари билан «сотиб» олдилар. Ўз оналарининг «қиммат-ли» маслаҳатидан фойда олишни кўзлаган Геннадий ва Елена ҳам уларга қўшилиб ёш умрларини хазон қилишди. Борига қаноат қилиш, йўғига сабр қилишдек фазилатлардан бенасиб бўлган бу жиноий гуруҳ аъзолари у қадар пулга муҳтож ҳам эмасдилар. Уларнинг қўлларию қулоқларида ярақлаб турган қиммат-баҳо узугу зираклар шундан далолат эди.

Энг ажабланарлиси, Анна Болдирева 66 ёшни қоралаган. «Меҳрибон» она ўз жиноятига ҳам ўғлини, ҳам қизини қўшиб олганининг оқибатида ўғил 14, қиз 13 йилга озодликдан маҳрум бўлди. Ўзи 15 йилни «бўйнига олган». Бунинг устига қизининг ёлғиз қизини она дийдоридан айиришга сабабчи бўлди.

Салкам 50 ёшли Людмиланинг бу жиноятга ўралашиб қолиб 14 йил олгани ҳам ачинарли. 15 йилга қамалган Светлананинг икки фарзанди борлиги эса бундан-да аянчлироқ. Аммо, қонун ҳамма учун баравар. Жиноят қилдингми, жазосини тортишинг керак.

*Эшдавлат ЖУМАБОЕВ,*
*Шуҳрат РЎЗИЕВ,*
*Транспорт ички ишлар бошқармаси ходимлари, милиция катта лейтенантлари.*

## Қўлга хлор тўкилди

*Маълумки, Қирғизистоннинг Барскаун дарёсига цианид моддаси ортилган юк машинасининг ағдарилиб кетгани натижасида ушбу минтақадаги экологик аҳвол ёмонлашган эди.*

*"КАБАР" ахборот агентлигининг маълум қилишича, мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу аҳволни бартараф этиш учун Иссиққўлга ўнлаб тонна хлор моддаси тўкишга қарор қилган. Бироқ, хабарда таъкидланишича, бунинг оқибатида табиатга аввалгидан ҳам кўпроқ зарар етган. Экологик аҳвол ёмонлашгани боис, ҳар хил касалликлар келиб чиқмоқда. Одамларда кўнгил айниши, қусиш, тери касаллиги, бош оғриқ ва дармонсизланиш каби белгилар пайдо бўлган.*

*Мутахассисларнинг фикрича, экин майдонлари жиддий зарарланган.*

*Айни пайтда хлор моддасини сувга тўкишни буюрган мутасаддилар бу айбни бир-бирига ағдаришмоқда.*

*Муносабат*

# Инсондан азизми?..

Бир куни ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ойнаи жаҳон орқали «Фрейд асарларининг бири: у бир кечада ҳашоратга айланиб қолди, деган жумла билан бошланади. Ушбу сатрлар ҳар бир ақлли ўқувчини албатта ўйлашга мажбур қилиши мумкин» деган фикрни айтди.

Ҳақиқатан ҳам инсон бир кечада ҳашоратга ёки ҳайвонга айланиб қолиши мумкинми? Бир қарашда ғайритабиий, аммо даҳшатли кўриниш тўғрисида жуда кўплаб бадиий асарлар ва фильмлар яратилган. Сизу биз бу асарларни берилиб ўқиганмиз, мириқиб томоша қилганмиз. Бундай воқеалар адабиёт ва кинодагина юз бериши мумкин, реал ҳаётда юз бериши мумкин эмас, деб ўзимизга таскин ҳам берганмиз.

Аслида инсон махлуққа айланадими? Гиёҳванд модда ёки алкаголь инсонни маълум даражада ҳайвонга яқинлаштиради. У йиртқичдек атрофдагиларга ҳужум қилиши, чўчқадек балчиққа булғаниши мумкин...

14- сонли болалар шифохонаси соя-салқин оромгоҳда жойлашган. Бу шифохонадан қанча-қанча кичкинтойлар дардларига малҳам топиб кетади. Яқинда ана шу шифохонада болалар жарроҳлиги бўлими ташкил этилди. Бўлимга тажрибали шифокор Исмат Ниғматов раҳбарлик қилмоқда.

Бўлим раҳбари И.Ниғматовнинг айтишича бу ерда туғма ногиронлар, турли бахтсиз ҳодисалар туфайли тан жароҳати олган болалар даволанадилар. Ҳайвонлар томонидан жароҳатланган болалар ҳам худди шу ерда тиббий ёрдам оладилар.

—Бўлимимизга деярли ҳар куни ит тишлаган ёки мушук тирнаган жароҳатлари юзасидан беморлар мурожаат қиладилар,- дейди И.Ниғматов. — Биз биринчи галда беморга тиббий ёрдам кўрсатамиз. Итнинг манзили аниқ бўлса, ветеринария - даволаш марказида текширувдан ўтказишни талаб қиламиз. Агар ит соғ бўлса, нур устига аъло нур. Агар унда бирон касаллик аломатлари аниқланса ёки ит номаълум бўлса, дарҳол шифохонага ётқизилиб, муолажа ишлари бошлаб юборилади. Чунки қутуриш касалини инкубацион давридан ўтказмай даволаш зарур. Акс ҳолда, кеч бўлади. Бемор дастлабки 5-6 кунда доимий бизнинг назоратимизда бўлади. Муолажаларнинг уларга ижобий таъсир этаётганлигига тўла ишонч ҳосил қилингач, беморларни истагига қараб, кундузги стационарга ўтказамиз.

Бир куни шаҳарнинг гавжум кўчаларидан бирида эгаси билан кетаётганит тўсатдан бир болакайни тишлаб олади. Боланинг онаси воқеани англаб етгунчаит эгаси билан одамлар орасига сингиб кетади. Ит балки соғломдир, қутуришга қарши эмланганлиги ҳақидаги бир парча қоғози ҳам бордир. Лекин, ит топилмади, шу сабаб текширишнинг имкони бўлмади. Болани эмлашга мажбур бўлдик.

Қолаверса, бир оиланинг ҳаловати бузилди.

Кейинги пайтда бозорларда, магазинларда, жамоат транспортларида итлар бемалол эгалари билан сайр қилиб юрипти. Биз эса кўра била туриб уларга танбеҳ бериш ўринга, бу милициянинг иши дея, бепарво кетаверамиз.

Ҳуқуқ-тартибот ходимларининг айтишича, уйида ит боқмоқчи бўлган фуқаро, агар у кўп қаватли уйда яшаса, тўртта қўшнининг розилигини олган бўлиши керак экан. Агар иш шу тарзда қонуний амалга оширилганда эди, шаҳримизни бу қадар ит босиб кетмаган бўлар эди.

Баъзи хонадонларда ит инсондек азиз кўрилади. У билан бир стол атрофида ўтириб овқатланилади. Бир ваннада чўмилади.

Ҳозир одамлар эрта тонгда ёки оқшомлари кўчаларга, хиёбонларга, болаларини ёлғиз чиқаришдан чўчиб қолишган. Чунки, бу вақтда соя салқин жойлар бўйинбоғсиз итлар билан тўлиб кетади. Шу билан бирга зарурий ишларини ҳам бажарадилар. Бунга ҳеч ким эътибор ҳам бермайди. Хуллас, ит итдек, ўз ўрнида ҳовли этагида яшаши керак. Уни тўрт девор ичига қамаб, текинхўрга айлантиришдан кимга фойда.

Инсон — азиз зот. Ит ҳам инсонга хизмат қилиш учун яратилган. Инсон ўзига берилган ақл-идроки, фикри тиниқлиги билан яшасин. Турли ҳайвоний касалликлар унинг миясини заҳарлаб, оқибатда бевақт нобуд бўлмасин. Бу ишда ҳар биримиз ўзимизни жавобгар деб ҳисоблайлик.

***Қодиржон ҚАЮМОВ,***
***Тошкент шаҳри.***

## Темир интизом шудир

*Наполеон қўшинларида шундай қатъий қонуният бор эди. Аскарнинг интизоми саф тортишидан маълум. Бу интизомга шунчалар қаттиқ бўсунилардики, ҳатто аскар ёнидаги шериги йиқилиб жон берса-да, саф бузилмасди.*

*Австралия ҳарбийлари ҳалиям шунга амал қиладилар. Нанибердеги ҳарбий коллежда курсантлар битирув тантанасига сафланишди. Ҳароратнинг одатдагидан ўта паст даражага тушишидан сафдаги баъзи курсантлар музлаб қолай бошлашди. Бир, икки, уч... Созандалар сафида ҳам уч нафари музлай бошлади. Аммо байрамона кайфият бузилмади. На курсантлар, на созандалар «музлаган»ларга аҳамият беришди.*

*Мусиқа янграйверди, саф турди. Ҳарбий интизом совуқдан-да қаттиқлиги шудир. Бироз кишига ғалати туюлса-да, аслида бу ҳам қайсидир маънода чидам, матонатдай. Темир интизом дегани шудирда.*



## Ўзгалар аралашувига ҳожат йўқ

**Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Важпаи парламентда сўзга чиқиб, Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги жанжалли масалаларни ҳал қилишда АҚШ ёки Хитойнинг аралашувига ҳожат йўқ, биз ўзимиз музокаралар йўли билан минтақадаги тинчлик ва осойишталикни сақлаб туришимиз мумкин, деди.**

## Эрон Каспийни бўлиб олишга қарши

**Агар денгиз қирғоғидаги мамлакатлар Каспийни «бўлиб олишга» ҳаракат қилишса, бу масалада адолатли қарор қабул қилинсагина, Эрон музокарада қатнашиши мумкин. Эрон нефть вазирининг ўринбосари Мажидий журналистлар билан учрашувда шундай деди. Агар Каспий денгизи «бўлиб олинадиган» бўлса, экологик вазият устидан ҳамкорликдаги назорат қўлдан чиқиб кетади. Бундан ташқари нефть конларини биргаликда топиш ишлари ҳам барбод бўлади. Айни пайтда, деб таъкидлади Мажидий, собиқ совет республикаларининг раҳбарлари Каспий денгизини бўлиб олишдан сиёсий ва иқтисодий дивиденд олиш учун давлат нефть-газ тармоқларига хорижий, биринчи навбатда Америка сармояларини киритишни мўлжаллашмоқда. Агар Каспий денгизини «бўлиб олиш» ҳуқуқий томондан мустаҳкамланса, у ҳолда АҚШ дунёнинг ушбу минтақаси устидан бевосита тўла назорат ўрнатишига имкон яратилади.**

*Йўллар...*

*Бу ҳали ҳаммаси эмас*

## Юлдузларга «осилманг»

***Майкл Жексон наинки эстрада мухлислари балки, қаллобларнинг ҳам диққатидан бир зум нари кетмайди. Бундай воқеалар қўшиқчининг ҳаётида шунчалар кўп бўладики, баъзида одатий ҳолдек қўл силтаб қўя қолгинг келади. Йўқ, барибир бирига бўлмаса-бирига ўзинг сезмаган ҳолда «қулоқ осганингни» билмайсан киши.***

***Мана, журналист Виктор Гутьерреснинг найранги. У Майклга «ишқий саргузаштлари туширилган тасмани элга ошкора этаман», дея пўписа қила бошлади. Ҳамма ёқда шов-шув: буёғи қандоқ бўларкин? Жексон бу тасмани қанчага сотиб оларкин? Маъшуқаси ким экан? Хуллас, шундай минг-бир тафсилот тўқилгандан-тўқилди.***

***Бундай товламачилар билан «олишиб» чарчаган хонанда журналистга ҳеч қандай «қарши далил» айтмади. Судга борди. «Ҳақиқатнинг баҳоси ва бу тасмадан анча қиммат!» деган қатъий фикрда турди у.***

***Ҳақиқатнинг баҳоси — 2 700 000 доллар! Чакки эмас. Чунки суд «Гутьеррес сўз эркинлигини суиистеъмол қилиб, жаҳон юлдузи шаънига, обрўйига путур етказди. Маънавий зарар учун журналист Майкл Жексонга 2 миллион 700 минг доллар тўлаши шарт. Зотан, бошқа шундай сенсация қидирувчи мухбирлар юлдузга «осилишмасин» дея ҳукм чиқарди.***

***Юлдузларга «осилманг». Жарима пулидан Викторнинг капалаги учиб, оёғи ердан узилаёзди. Энди юлдузга «осилган»ларнинг ҳолатини тасаввур этиш унчалик қийин эмас.***

**Гулфия ЖУМАБОЕВА**

## Машқлар бошланди

Клайпеда шаҳрида «Балтик Челленж — 98» халқаро ҳарбий машқларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Ушбу машқлар НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ўтказилмоқда. Машқларда Венгрия, Дания, Германия, Латвия, Литва, Норвегия, Польша, Швеция, Финляндия, Эстония, шунингдек, АҚШнинг беш мингдан зиёд ҳарбий хизматчиси иштирок этаётир. Бу Болтиқбўйи минтақасида ўтказиладиган энг йирик ҳарбий машқлардир.

Бугунги кунда Испаниянинг Ўрта Ер денгизи соҳилида жойлашган Паломарес қишлоғини ҳамма ҳам билавермайди. Гап шундаки, бундан 30 йиллар муқаддам Шарқ билан Ғарб «совуқ уруш» исканжасида ёнар эди. 1963 йили Кариб муаммоси юзага қалқиб чиқди. Бу сиёсий танглик одамзотни ядро, атом уруши ёқасига келтириб қўйди. Уч йил ўтдиямки, ядро уруши хавфи даф бўлмади, аксинча сўз билан таърифлаб бўлмас оқибатларга олиб келувчи учинчи жаҳон уруши Ер сайёрасига таҳдид солиб турарди.

Ушанда, яъни 1966 йили Испания қирғоқларида рўй бераётган мислсиз воқеаларни бутун жаҳон афкор оммаси нафасини ичига ютиб, диққат билан кузатарди.

1966 йил 17 январь куни Американинг стратегик бомбардимончи самолётларидан бири бўлмиш «Б — 52» бортида ядро қуроли билан кечаю-кундуз самода жанговар навбатчилик қиларди. Шу куни у Ўрта Ер денгизи устида учишни давом эттира туриб, «КС — 135» самолётидан ёнилғи қабул қилиб олиши керак эди. Шундай қилинди ҳам. Самолётлар 9300 метр баландликда, соатига 600 километр тезликда, 50 метр ораликда учиб кетаётиб, «заправка»ни бошладилар. Бироқ бомбардимончининг саккиз двигателидан бирида кутилмаганда ёнғин чиқди. Олов самолёт қанотини бутунлай қоплаб олди ва ёнилғи қуяётган «заправка»чи самолётга ҳам ўтди. Эрталабки соат 10.11 да ёнғин чиққан бўлса, 10 дан 22 минут ўтганда самолётлар бутунлай олов ичида қолди. Шу пайтда улар Паломарес қишлоғи устида эди. Экипаж бортдаги атом бомбасини ерга ташлашга қарор қилди, акс ҳолда портлаб ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Кўз очиб-юмгунча «Б — 52» портлаб кетди, ортидан «заправакчи» самолёт ҳам. Учувчилар жаҳаннам ўтидан катапульта қилиб, самолёт синиқлари билан бирга ерга «шўнғишди». Икки самолёт синиқлари 39 квадрат-километр майдонга сочилиб кетди ва унинг парчалари 5 соат давомида тинмай ёнди. Американинг етти учувчи ҳалок бўлди, бироқ 1200 кишилик қишлоқ аҳолисидан ҳеч кимга шикаст етмади.

Самолёт портлаган пайтда денгиз қирғоғидан 5 мил нарида дон Франсиско бошқарувидаги кичик баликчи кема — «Мануэл Ортс Симо» сузиб юрарди. Франсиско ўзининг траулеридан 100 метрлар нарига металл кўринишдаги бир нарса осмондан кулранг парашютда тушганини фаҳмлаб, ўша жойни аниқ эслаб қолди. У сувга «қўнган» уч учувчини қутқаришга отланди. Бироқ металл кўринишдаги бояги нарсани «қутқаришга» улгуролмади. Бир зумда Паломарес осмонини ўнлаб қутқарувчи самолётлар ва вертолётлар қоплаб олди, кўплаб траулерлар, катерлар, яхталар, ҳатто юк ташувчи улкан кема ва танкерлар денгизнинг тит-питини чиқариб, у ёқдан бу ёққа суза бошлашди. Эртаси кун эрталаб қишлоқ атрофини яна юзлаб изқуварлар ва авиаҳалокат мутахассислари ўраб, қидирув ишларини олиб боришди. Бутун атрофни «таъқиқланган зона» дея эълон қилишди ва ҳар бир қарич ерни Гейгер асбоби (ўта сезгир электрон асбоб) билан «элакдан» ўтказиш бошланди.

АҚШ бомбардимончисининг ҳалокатини жамоатчиликдан яшириб бўлмади. 1966 йил 20 январь куни АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари бортида ядро қуроли бўлган бомбардимончи самолёт ҳалокатга учраганини расмий тан олди. Пентагоннинг расмий вакиллари самолётда биргина атом бомбаси борлигини эътироф этишган эди, бироқ бу ёлғон бўлиб чиқди. Авиаҳалокатдан сўнг 18 соат ўтгач, қуруқликда учта атом бомбаси топилди. Ва яна тўртинчиси ҳам бор эди, фақат у қаердадир «яшириниб» ётарди. Топилган бомбалар дарҳол олиб кетилди.

Қидирув гуруҳи қанчалик уринмасин тўртинчи бомбани қуруқликдан топишолмади. Шунда уни денгиздан қидиришга қарор қилишди. Қидирув жавобгарлиги АҚШ ҳарбий-денгиз кучларининг адмираллари Уильям Гэст ва Уильям Эллисларнинг зиммасига юкланди. У. Гэстнинг қўлида бомба қаерга тушганлигини аниқ кўрсатиб бериши мумкинлиги ҳақида дон Франсисконинг ҳам хати бор эди. Бироқ Гэст бу хатга аҳамият бермади, негаки, бундай хатлар унинг қўлида анча эди.

Америкалик қутқарувчилар олдида ўта мушкул ва масъулиятли вазифа турарди. Негаки, Паломарес остининг рельефи жуда мураккаб эди. АҚШ Мудофаа вазирлиги кутилмаган ишларга қўл урди — одамларнинг шахсий сувости аппаратларини «мажбурий хизмат»га сафарбар этди. Масалан, «механик қўл», телекамера, эхолот (денгиз чуқурлигини электроакустик усул билан ўлчайдиган асбоб) ва бошқа замонавий ускуналар билан жиҳозланган «Элвин» ва «Алюминаут» аппаратлари вақтинча хизматга ёлланган эди. Кейинчалик ҳусусий «Кембарин» сувости аппарати ҳам ёрдамга келди.

9 мартга келиб, Паломарес қирғоқларидан 358 та жисм парчалари топилди. Уларнинг кўпчилиги самолёт синиқлари эди.

Қидирув операцияси раҳбарияти сув оқими ва тўлқини бомбани анча узоққа оқизиб кетган бўлиши мумкин деган ўй билан қидирув майдонини 70 квадрат-километргача кенгайтиришди. Испаниялик баликчи дон Франсиско эслаб қолган жой ҳам худди шу «зона»да эди. Ўша жойга «Элвин» сувости аппарати туширилди ва охир оқибат 777 метр чуқурликдан бомба топилди. Уни топиш учун атиги 80 минут вақт кетди, холос. Бироқ уни эҳтиёткорлик билан сув юзига кўтариб чиқишдек ўта мушкул иш ҳали олдинда эди. Сал эҳтиётсизлик қилинса борми, портлаб атом қирғини юз бериши мумкин эди.

Бутун борлиғига парашют ўралиб қолган бомба сув остидаги жуда чуқур ёриқнинг ёнгинасида ётарди. «Элвин» экипажига жойидан қимирламаслик, фақат фото ҳамда телесуратга олиш ва «Алюминаут» ёрдамга келишини кутиш буйруқ қилинди. «Алюминаут» ёрдамга келгачгина ишга киришишди: «Элвин» «механик қўллари» билан парашют арқонини илиб олишга қанчалик ҳаракат қилмасин бесамар кетди — бомба силжиб сувости ёриғига яқинлашиб бораверди. Шунда лангар ёрдамида парашют қуббасидан тортиб, текисроқ жойга олиб боришга қарор қилишди. Бироқ бу ҳаракат ҳам ҳадеганда амалга ошавермади. Бир неча бор уринишлардан сўнггина 19 мартда «Элвин» лангарни парашют арқонига илиб олишни уддалади. Бироқ бу мутахассислар учун қанчалик ҳаяжон ва кўркув аралаш руҳий «қиммат»га тушганини айтмайсизми. Масалан, аппарат бомба устига бироз «ўтиришига» тўғри келди, аммо бахтга қарши шу пайт парашют сув тўлқинида ёйилиб, «Элвин» устига ёпилиб қолди. Яхшиям қутқарувчи «Ҳойст» тезда ёрдамга келди. У бомбани сувости водийининг нишаблиги бўйича парашют ёрдамида тортиб кета бошлади. Водий нишаблигига етганда темир арқон узилиб кетди. Яна бошқатдан бошлаш керак ҳаракатни.

Экипаж бомбанинг пастликдаги ёриққа қараб думалаб кетишидан лойқада кўринмай қолгунча кўркув даҳшатила қотиб қолишди: порт-лаш содир бўлармикин? Хайрият, худо бир асради. Энди «Элвин» билан «Алюминаут» ўрин алмашишди.

«Алюминаут» датчик-сигналлар ёрдамида бомбани 870 метр чуқурликдан, улкан сувости ёриғи ёнидан топди. Лекин афсуски, шу пайт денгиз юзида пўртана юз берди. Энди сув ости ишларини тўхтатишга тўғри келди. Ва фақат 5 апрелдагина яна қайтадан ишга киришишди. Бу пайтда бомба 90 метр нарига силжибди.

«Элвин» яна темир арқонни парашютга илишга ҳаракат бошлади, аммо бесамар кетди. Аппарат парашют арқонларига ўралиб қолди. Хайрият фожиа юз бермади. Бир амаллаб аппарат арқонлар исканжасидан чиқарилди. Энди аппаратни экипажсиз туширишга мажбур бўлишди. Лекин яна арқонларга ўралиш юз берди. Аппаратни атом бомбаси билан бирга кўтариб чиқишдан ўзга илож қолмади.

Шундай қилиб, жуда секинлик билан, яъни минутига 8 метр тезликда аппарат ва бомбани сувнинг 30 метр сатҳигача кўтариб чиқилди. Сўнг ғоввослар «ажал сиртмоғи»га пишиқ арқонлардан сиртмоқ тортишди ва 7 апрель 8 дан 45 минут ўтганда 3 метрли атом бомбаси денгиз юзига чиқарилди.

У роппа-роса 79 кун сув остида ётди.

Мутахассислар текширишгач, нурланиш даражаси йўқлиги маълум бўлди. Улар шу заҳотиёқ бомбани зарарсизлантиришди. Ва шундан сўнггина АҚШ ҳукуматига операция муваффақиятли якунланганлиги ҳақида ахборот берилди. Бу операция 1966 йил 17 январдан 7 апрелгача давом этди. Унда 3800 киши, 178 та ҳарбий кема, авиация, сувости аппаратлари ва бошқа кўплаб техника иштирок этди. Мазкур қидирув ишларига ҳаммаси бўлиб 84 миллион долларлик маблағ сарфланди.

Дунё бўйича энг йирик қутқарув-қидирув операцияси шу тариқа якунланди. Ва энди олам бироз бўлса-да енгил нафас ола бошлади.

***Зулхумор СУЛТОНОВА тайёрлади.***

*...дунёнинг қон томирларидир*

## Тўқнашувлар силсиласи

Июнь ойида МДҲ мамлакатлари ҳудудида журналистлар ва ҳокимият вакиллари ўртасида 154 та можаро, шулардан 29 воқеа Белоруссда, 84 таси эса Россияда юз берди. Кейинги икки ой ичида тўртта журналист ўлдирилди. Чунончи, Россияда Лариса Юдина билан Игорь Ликов ҳалок бўлди. Ошкораликни ҳимоя қилиш жамғармаси раҳбари Олег Панфиловнинг айтишига кўра, Россия Федерациясида ҳозиргача мустақил судлар йўқлиги муносабати билан журналистлар ҳокимият вакиллари билан судлашганда кўпинча мағлубиятга учрамоқдалар.

## Оила даврасидаги кулги

***Икки шотланд аёл суҳбат қилардилар:***

***— Эринг бойми?***

***— Назаримда, унчалик фақир одамлардан эмас. Кеча унинг қоғоз жавонини очган эдим, 4 дона куя отилиб чиқди.***

* * *

***— Доктор— дея руҳшуносга мурожаат қилди хоним, — менинг эрим ўзини «музхонаман» деб даъво қиляпти.***

***— Ҳаяжонланманг хоним, тинчлантирди шифокор, — бундай башорат безарар...***

***— Безарар дейсизми? У тун бўйи оғзи очиқ, чироғи ёниқ ётади, унинг нуридан ухлай олмаяпман...***

* * *

***— Менга иккита катталар учун ва битта болалар учун чипта берсангиз, — хазиначига мурожаат қилди габроволик.***

***— Ўғлингиз кап-катта йигит бўлиб, шим кийиб юрибди-ю, — эътироз билдирди хазиначи.***

***— У ҳолда ўғлим ва менга катталар чиптасини, хотинимга болалар чиптасини беринг. У шортикда юрибди, — деб жавоб берди габроволик.***

* * *

***Габроволик бепул маслаҳат олиш ниятида унга тўқнаш келган таниш шифокордан сўради:***

***— Доктор, тумов бўлган пайтда нима қиласиз?***

***— Акса ураман, — жавоб берди шифокор.***

* * *

***Габроволик фабрикант Ҳиндистон бўйлаб сайёҳатда юриб, эҳромларнинг бирида олти қўли Чандра маъбудасини кўриб қолди.***

***— Мана шундай ишчан аёл керак менга, — хитоб қилди у.***

**Насиба Очилова тўплади**

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 21 iyul, seshanba № 86 (22.323).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan


*Istiqlol chechaklari*

## Ватан ва ишқ мадҳи

***Яқин-яқингача «Адабиёт ўладими?» деган савол атрофида кескин баҳс-мунозаралар бўлаётган эди. Кейинги пайтларда негадир шу савол кун тартибидан тушиб қолаётгандек, назаримизда.***

***Бизнингча, юқоридаги саволнинг кун тартибидан тушиб қолишига биринчи ва бош сабаб — бугунги адабиётимизда уйғониш бошланганидир. Демак, бу яхшилик аломати. Чунки, адабиёти тирик, адибу шоирлари жасоратли, фидойи бўлган миллатнинг келажаги буюклиги муқаррардир.***

***Мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида ана шу байрамга тўёна сифатида яна бир китоб дунёга келдики, биз шу ҳақда икки калима сўз айтишни ихтиёр қилдик. «Олтин беланчак» номи билан дунё юзини кўрган бу асарда мамлакатимизнинг турли вилоятлари ва туманларидаги Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида билим олаётган ёшларимизнинг шеърий гулдасталари жамланган.***

1

***Дарҳақиқат, бугунги ёш ижодкорларимиз орасидан эртага миллат обрўсини жаҳон каҳкашонига олиб чиқадиган катта истеъдод эгалари йўқ, деб ким айта олади. Балки, бугун мана шу мухтасаргина тўпламга икки дона шеъри киритилганидан бахтиёр бўлиб юрган талаба ёки ўқувчи эртага ҳаммамизни лол қилиб қўя оладиган катта асарлар яратар. Балки, эртанинг Абдулла Ориф, Эркин Воҳид, Усмон Азим...лари бордир уларнинг орасида.***

***Тўпламни варақлар экансиз, ёшларнинг Ватан, Мустақиллик мавзуидаги шеърларини ҳайратланмай, қувонмай ўқий олмайсиз. Гулистон Давлат университети талабаси Мақсуда Эгамбердиева Ватан ҳақида шундай ёзади:***

***Ватан! Сен каъбамсан, сиғинганим сен,***
***Ўртаниб қуйлашга йўқдир арзир сўз.***
***Қора кечмишингдан қуйинсам-да, мен,***
***Бугун бўйларингни кўриб қувнар кўз.***

***Тошкент Давлат университети талабаси Нодир Ғаниев эса:***

***Бир эртак сўйлагин, тунлари узун,***
***Алпомиш от чопсин кўксимда бедор.***
***Бир достон сўйлагин, кўксимни бир тун***
***Эзғилаб ташласин учқур Бойчибор...***
***Мақташга арзигулик, қувонсак қувонгулик шеърлар, шоирлар кўп бу тўпламда. Уни бир варақлаган ўқувчи ўзига олам-олам завқ олиши, «Олтин беланчак» унинг кўнгил мулкига айланиб қолишига ҳам шак-шубҳа йўқ. Зеро, тўпламда шеърларидан намуналар келтирилган ижодкорларнинг энг ёшларидан бири, Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги Амин Умарий номли мактаб ўқувчиси Юнус Бўронов ўз тўртлигида таъкидлаганидек:***

***Ватанни севмагандан иймон қидирма,***
***Найсонни севмагандан райҳон қидирма.***
***Фозиллар даврасида ўсиб-улғайган***
***Инсонлар ўғлидан нодон қидирма.***

3

***Ҳақ гап...***

***Тўғриси, мамлакатнинг турли бурчакларида яшаётган юзлаб ижодкорларнинг бошини қовуштириб, уларнинг сара шеърларидан гулдаста тайёрлаш жуда машаққатли иш. Ана шу машаққатдан қочмасдан, ёшларни ижодий ўсишга чорлаб, шу тўпламнинг дунёга келишига ҳисса қўшган шоиримиз Юсуф Худойқул, ёшларнинг яқин сирдоши бўла олган устоз шоиримиз Нормурод Нарзуллаев, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарлари ва «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ходимларига ҳам миннатдорчилик билдирсак арзийди. Зеро, уларсиз биз «Олтин беланчак»нинг ифорларидан бенасиб қолган бўлардик.***

**Ислом ҲАМРО**

## Таассуротларга бой бўлди

Москвада биринчи марта ўтказилган Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинлари якунланди. Тантанали очилиш маросими каби мусобақанинг ёпилиши ҳам ўзига хос байрамга айланди. Илк марта уюштирилишига қарамай, 131 мамлакатдан йиғилган етти минг нафарда кўпроқ спортчи орасидан иқтидорлар бисёр экани намоён бўлди. Халқаро олимпиада қўмитаси тасарруфида ўтказилган бу мусобақанинг аҳамияти шундаки, яна икки йилдан кейин Сиднейда ўтказиладиган олимпиада ўйинларигача ёшларни камол топтиришдан иборат. Мустақил ватанимиз спортчилари ҳам бу анжуманда тенглар ичида тенг бўлиб қатнашдилар. 108 нафар спортчимиз спортнинг 11 тури бўйича ўзаро баҳсларда қатнашиб, ҳаммага ҳам насиб этмайдиган медалларни қўлга киритган мамлакатлар қаторидан жой олишди. Бундай шарафга эса бор-йўғи эллик мамлакат мушарраф бўлди. Албатта, спортчиларимиз учун унутилмас воқеа ва тассуротларга бой бўлган мусобақада қатнашишнинг ўзи катта гап. Боиси, ана шундай халқаро мусобақаларда инсон имкониятлари юзага чиқаверади. Мусобақада курашчиларимиз ажойиб ютуққа эришдилар. Жумладан, Дилшод Мансуров эркин кураш бўйича олтин медаль олган бўлса, Жаҳонгир Абдуллаевга кумуш насиб этди. Дзюдочи Руслан Эргашев ҳам кумуш медалли бўлди. Мусобақа бошида эса яна бир курашчимиз Денис Здорников бронза, Савридин Наврўзов кумуш медалларини олишган эди. Шунингдек, стол тенниси бўйича ҳам командамизга бронза медаллари насиб этди. Ўйлаймизки, ёшларимизда бир олам таассурот қолдирган бу мусобақа қобилият камол топишида ўзига хос аҳамият касб этади.

*Спорт*

## Ғолибни шарафлаб

Лазиз Зокиров ҳам мамлакатимиз бокс юлдузларидан бири. Жиззахлик боксчи учун бу йил айниқса омадли келди. У вилоятда биринчи бўлиб, халқаро бокс талабини бажарди. Туркияда ўтказилган халқаро мусобақада олтин нишон олган бўлса, Таиланддан «Қирол кубоги» билан қайтди. Хитойда ўтказилган мусобақада эса жаҳон кубогини қўлга киритди. Яқинда боксчининг ажойиб ғалабаларини шарафлашга бағишланган тадбир бўлди. Вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёев Лазизга совға тариқасида янги уй калитини топширди. Шунингдек, республика миллий терма жамоаси бош мураббийси В. Шин, вилоят боксчилари устози Ш. Худойбердиев, жаҳон чемпиони Артур Григорянга ҳам махсус совғалар берилди. Лазизнинг нияти яна икки йилдан кейин ўтказиладиган олимпиада ўйинларида маҳорат кўрсатишдир.

*Vatanni sevmak iymondandur!*

## Табиб сиймосини яратиб

Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Малик Набиев Шарқ алломалари сиймосини усталик билан яратиш бўйича эътибор топиб келмоқда. Хусусан унинг Абу Райҳон Беруний асари дунё маданиятидан муносиб ўрин олган. Бир пайтлар мусаввир Эронда истиқомат қилиб Туронда ном таратган табиб Закариё ар-Розий сиймосини яратишга уринган эди. Ўшанда табибнинг сиймоси ўй-хаёлларга ғарқ бўлган ҳолатда гавдаланган. Энди мусаввир табибнинг жонли ва табиий сиймосини ярата билди. 1100 йил аввал яшаган Розийнинг сиймосини хуросонликларга хос кўринишда яратди. Қизиғи шундаки, сиймо томошабин диққатини тортади ва тасвирда уйғунлашган гиёҳларнинг кўриниши сиймонинг табиблигидан дарак бериб туради.

*Маҳмуд АҲМЕДОВ*


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА — ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

1998 йил учун докторантура ва аспирантуранинг (ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган) ҳолда қуйидаги мутахассисликлари бўйича

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**ДОКТАРАНТУРАГА:**

Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар;
Қурилиш ашёлари;

**АСПИРАНТУРАГА:**

Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси;
Суюқлик, газ ва плазма механикаси;
Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар;
Иншоот асослари ва пойдеворлар;
Қурилиш ашёлари, темир бетон конструкцияларини ишлаб чиқариш;
Меъморчилик назарияси ва тарихи, меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш;
Бино ва иншоотлар меъморчилиги.

**КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ ТОПШИРИШ 20 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.**

МАНЗИЛ: 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 13, 222-хона. Тел: 41-11-73.



**АСАКА МОТОР ТАЪМИРЛАШ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**1998 йилнинг 15 августига қадар «Д-144» русумли трактор двигателларини таъмирлаш бўйича берилган далолатномаларини таққослаб ўзаро рўйхатдан ўтказади.**

*Кўрсатилган муддатда ҳозир бўлмаган вакилларнинг барча буюртмалари бекор қилинади ва йўқотилган далолатномалар қайта тикланмайди.*

**«Д-144» двигателларини таъмирлаш учун хўжаликлар ва ташкилотлар билан 1998 ва 1999 йилга тўғридан-тўғри шартномалар тузишлари мумкин.**

*Шу билан биргаликда ҳиссадорлик жамиятимизда коленваллар (барча русумдаги), шатунлар, головка ва палец қайтадан таъмирланади. Металломга ташлашга шошилманг.*

**Сиз истаган ўлчамда таъмирлаймиз. Арзон нархларда ҳожатингизни чиқарамиз.**

**Бизнинг хизматдан фойдаланишга шошилинг!**

**Тел: (8-374-36) 2-13-36, 2-21-97**

*Асака мотор таъмирлаш ҳиссадорлик жамияти*



Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси Тошкент Молия институти билан ҳамкорликда

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ПОЙДЕВОРИ, ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ ВА КЕЛАЖАК ИСТИҚБОЛИ»**

мавзуида истеъдодли ёш олимлар ўртасида энг яхши илмий ишлар республика кўрик-танловини ўтказади

Танловнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар билан суҳбатида Ўзбекистон тарихи юзасидан илгари сурилган долзарб масалалар бўйича истеъдодли ёшларнинг ЎЗБЕК давлатчилигининг келиб чиқиши, узоқ йиллик тараққиёт босқичлари ва бугунги равнақи ҳақидаги янгича илмий-назарий тафаккурини шакллантириш, тасаввурларини бойитиш, чуқурлаштириш ҳамда уларда ЎЗБЕК давлатчилиги тарихининг илдизлари тўғрисида тўлақонли илмий дунёқарашни вужудга келтиришдир.

Кўрик-танлов қатнашчилари ўз ишларида ЎЗБЕК давлатчилигининг шаклланиши, тарихий-тараққиёт босқичлари билан ҳозирги ҳолати ва келгуси истиқболи ўртасидаги давомийликни, изчилликни, уйғунликни тарихий манбалар асосида холисона ёритиб беришлари лозим.

Иштирокчилар ўзларига яқиндан таниш бўлган муайян бир тарихий даврда ҳукм сурган миллий давлатчилигимиз асосларини бугунги мустақил ЎЗБЕК давлатчилиги билан изчил боғлиқлигини очиб беришлари тавсия қилинади.

Танлов қатнашчилари ўз илмий ишларини (машинкаланган ҳолда икки интервалда, икки босма табоқ ҳажмида) Улуғбек жамғармаси бошқарувига 1999 йилнинг 30 январигача юборишлари шарт.

**Ғолибларни тақдирлаш:**

**ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА УЛУҒБЕК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҚУЙИДАГИ:**

БИРИНЧИ ўрин учун — 60 000 сўм
ИККИНЧИ ўрин учун — 40 000 сўм
УЧИНЧИ ўрин учун — 30 000 сўм
пул мукофотлари берилади.

КЎРИК-ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

*Танлов ҳайъати томонидан муносиб топилган истеъдод соҳиблари 1999 йилнинг февраль ойида ўтказиладиган якуний тадбир (илмий конференция)га таклиф қилинадилар.*

*Танлов ҳайъати томонидан муносиб топилган илмий ишлар муаллифларининг таржимаи ҳоллари билан биргаликда Улуғбек жамғармаси томонидан махсус нашр этиладиган тўпламга киритилади.*

**Манзилимиз: 700027, Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1-уй. Улуғбек жамғармаси бошқарувига. Маълумот учун телефонлар: 45-26-45, 45-23-48, 45-96-96, 45-24-57.**


Янгийўл туманидаги Муқимий номли 17-ўрта мактаб томонидан 1987 йилда Искандар Сарварович Қўчқоров номига берилган № 406851 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги етуклик шаҳодатномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

***Газетамизнинг кейинги сони 25 июль, шанба куни чиқади.***


**Бош муҳаррир Азим СУЮН**

**Таҳрир ҳайъати**

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**

**ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА**

**МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**

**БЎЛИМЛАР:**

*Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.*
*Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.*
*Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.*
*Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.*
*Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.*
*Халқаро ҳаёт — 133-20-36.*
*Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.*
*Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.*
*факс — 133-38-55, 133-54-55*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**

*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 7-58-83;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 133-76-04;*
*Урганчда — 6-51-35;*
*Фарғонада — 24-54-61;*
*Қаршида — 3-25-79;*
*Термизда — 3-79-98.*

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.**
**Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**

*Навбатчи муҳаррир Ҳайдар НОСИРОВ,*
*навбатчи Маъмуржон ҚИЁМОВ*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004**
•
**Газета офсет усулида, А—2 форматда, 19.963 нусхада босилди.**
•
**Ҳажми 2 босма табоқ.**
•
**«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.**
•
**Г — 0156**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.30*
*1 2 3 4 5 6.*

**СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА**